

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
3 октябрь
ЧОРШАНБА

№ 79 (13132)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШРАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим тизимини яхлит узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўлини сифатида янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик деб аталади) негизида куйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион марказини (кейинги ўринларда – Марказ) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш ҳамда унга куйидаги вазифаларни юклаш:

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш, Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимининг жорий этилишини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнида, мактабгача тарбия тизимининг педагог ва раҳбар ходимлари таркибини ўқитиш жараёнида фойдаланиш ҳамда турли телекоммуникация каналлари орқали тарқатиш учун медиа-контент тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим тизимига жорий этилаётган таълим усуллари ва дастурларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) Иختисослаштирилган лойиҳа-изланиш институтини (кейинги ўринларда – Институт) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Институтни мактабгача таълим тизими буюртмачилари билан тузилган шартномаларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари бўйича, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича лойиҳасолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда бош лойиҳа ташкилоти сифатида белгилаш;

в) Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компаниясини (кейинги ўринларда – Инжиниринг компанияси) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Инжиниринг компаниясига мактабгача таълим тизими объектларини қуриш, капитал таъмирлаш ва ҳижозлаш бўйича буюртмачи функцияларини юклаш

ҳамда компания хизматлари билан боғлиқ харажатларни давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш қийматида киритиш;

г) юридик шахс ташкил қилмасдан Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш.

Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Республика бюджетни маблағлари, шу жумладан, 2018-2019 йилларга мўлжалланган, ҳар чорақда ажратилиб, ҳар йили бюджет қоидаларига мувофиқ индексацияланадиган жами 100 миллиард сўм миқдориди;

давлат мактабгача таълим муассасаларининг фойдаланилмаётган кўчмас мулкнинг сотишдан тушган маблағлар – 100 фоиз миқдориди;

Вазирлик тузилмасига кирган ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини текшириш натижалари бўйича Вазирлик ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни, мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалари даромадига ундирилган бюджет маблағларининг ноқонуний харажатлари, ўғрилиқ, камомад суммаларининг 50 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзи), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамғарма маблағлари:

мактабгача таълим муассасаларини белгиланган тартибда мақсадли қурилишлар рўйхатида киритиб, уларнинг тармоғини кенгайтиришга;

мактабгача таълим тизими ходимларини моддий рағбатлантиришга;

юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни, шунингдек, хорижда фаолият юритаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Вазирликка ишлаш учун жалб қилишга;

Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий ва олий таълим муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, экспортлари маслаҳатчилар сифатида жалб қилишга;

Вазирлик ходимларини, жумладан, хорижда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишга;

Давоми 2-бетда ➡

Байрам шукуҳи



Байрамлари бисёр юртимизда яна бир қутлуғ сана – Ўқитувчи ва мураббийлар кунг кенг нишонланди. Нурафшон шаҳридаги "Диёра" қошонасида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, шунингдек, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган байрам шарафли қасб эгаларида улкан таассурот қолдириб, чуқур ҳаяжон, фахру ифтихор туйғуларига ошно этди.

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ



Анжуманнинг азиз меҳмонлари бўлмиш муҳтарам устозлар ўзларига кўрсатилаётган эъзозу эҳтирдан фойда массур, юзларида миннатдорлик. Улар хизматига шай турган

таниқли санъаткорлар, эл суйган хонандау раққослар тадбирга алоҳида файз бағишлаган...

Давоми 2-бетда ➡

ЧИНОЗ ТУМАНИДА БАНДЛИК ДАСТУРИ АТИГИ 57 ФОИЗГА БАЖАРИЛГАН

Халқ депутатлари Чиноз тумани кенгашининг навбатдаги сессиясида туманни комплекс ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар

ни бартараф этиш бўйича вазифалар ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Маҳаллий кенгашларда



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, туман сектор раҳбарлари, фаоллар иштирок этган сессияда Республика ишчи гуруҳи томонидан туман

нинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар бўйича олиб борилган ўрганиш натижалари ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, бу борда ҳудудларда ишга солинмаган имконият ва ресурс

лардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давоми 2-бетда ➡

Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

Мактабдан
мақтублар

Кунг кеча жуда катта тантаналар билан бўлиб ўтган устозлар байрами таассуротлари ҳамда Президентимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўлаган табригидан руҳланиб, таълим масканимизда бўлаётган қувончли хабарлар билан ўртоқлашим келди.

ЭНДИ НАВБАТ — ИТАЛИЯГА

Мактабимизда бошқа фанлар қатори ўқувчиларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларига ҳам алоҳида аҳамият берамиз ва спортга жуда катта эътибор қаратамиз.

Жисмоний тарбия фани ўқитувчи ва мураббийларнинг ёш спортчилар билан шуғулланишлари учун барча зарур шароитларни яратиб берганмиз. Жамшид Арслонов ва Шарофиддин Ҳасанбоевлар ўқувчиларимизни тинимсиз машқ қилдириб, ҳатто, халқаро мусобақаларда ғолиблик шохсупасига кўтарилишга, Ўзбекистон доверуғини оламга ёйишларига муваффақ бўлишмоқда. Шу йилнинг ўзида ёш спортчи ўқувчиларимиз Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг саралаш мусобақаларида фаол қатнашиб, кикбоксинг бўйича Махлиё Абдуманнопова, Садоқат Қудратова, Сардор Исомжонов – олтин, Ботиржон Шаропов – кумуш ҳамда мураббий Жамшид Арслонов олтин медалларни қўлга киритиб, финалга йўланма билан қайтишган эди.

Жаҳон кубогининг финал мусобақаси Россиянинг Анапа шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Садоқат Қудратова ва Диёрбек Абдураимовлар биринчи ва Сардор Исомжонов 2-ўринни эгаллаб, Италияда ўтаётган жаҳон чемпионатининг финал баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Барнохон ШОИСМАТОВА,
Оқдўррон туманидаги
9-умумтаълим
мактаби директори



Мавсум

Шу кунларда вилоятимиз далаларида катта меҳнат ва машаққатлар эвазига етиштирилган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш қизгин паллага кирган. Тахририятимизга мўл ҳосил етиштириб, контрактация шартномаларини барвақт бажарган фермер хўжаликларидан хушхабарлар келиб турибди.

БИРИНЧИ ТЕРИМ БАРАКАСИ

Бу йилги мавсумнинг илк кунлариданоқ пахта йиғим-теримини ушшоқлик билан ташкил этган "Отабек Нур агро" фермер хўжалиги пахтакорлари Оқдўррон туманида биринчи бўлиб зафар маррасини забт этдилар.

Тўрабек Қурбонбоев раҳбарлигидаги фермер хўжалиги меҳнаткашлари жорий йил 20 гектар ерда пахта етиштирган эдилар. Зарур агротехник тадбирлар – ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, чопик

Шарипова, Олим Салимов, Холдор Нишонов каби илғор теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

– Биринчи теримдаёқ пахта режасини бажарганимиз, энг катта ютуғимиз бўлди, – дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Рустам Қурбонбоев. – Яна гектари-га 10-12 центнердан пахта топишириш имкониятимиз бор.

Осини АБДУРАУПОВ

Бекобод туманидаги "Маматқулова Жамила-агро" фермер хўжалиги аъзолари ҳам пахта йиғим-теримини ушшоқлик билан олиб боришяпти. Мавжуд 25 гектар майдондаги пахта ҳосили жадаллик билан йиғиштириб олинаётган. Бунинг учун 100 га яқин кўнгилли теримчилар жалб этилган. Улар ёрдамида кунига 5-6 тоннадан ошириб, пахта териб олинапти.

ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛАДИГАН КУНЛАР КЕЛДИ

Бундай баракали ҳосил осонлик билан етиштирилгани йўқ. Эрта баҳордан қилинган саёй-ҳаракатлар ўзининг амалий самарасини берди. Ноқулай об-ҳаво шароитига, сув танқислигига қарамай, қийинчиликлар

енгиб ўтилди. Вақтида ғўзага ишлов берилиши, агротехник тадбирларнинг бир маромда ўтказилиши натижасида ғўза касалликларининг олди олинди. Механизатор Олимжон Аҳмедов, тажрибали сувчи Абдувосит Су-

лаймонов, илғор ишчилардан Аҳаджон Назиров ва Улуғбек Шукровларнинг фидокорона меҳнати эвазига мўл ҳосил етиштирилди.

– Президентимизнинг: "Биз деҳқонларни бой қилмоқчимиз", деган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Жамила Маматқулова. – Ҳақиқатан ҳам фермерлар, ер эгалари бой бўладиган замон келди. Давлатимиз раҳбарининг яқиндагина туманимизга ташриф буюриб, деҳқон-фермер хўжалиги раҳбарлари, тажрибали пахтакорлар билан мулоқотда бўлиб, зарур маслаҳатлар берганлари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Бундан руҳланган ҳолда шартномавий режани ортиги билан адо этмоқчимиз. 70 тонна пахтани тез кунларда териб олиб, ҳосилдорлиқни 30 центнердан оширишни мўлжаллаяпмиз.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 19.30.